

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҚОБИЛОВ ҲАСАН ХАЛИЛОВИЧ

ЮҚОРИ ЭНЕРГЕТИК САМАРАДОРЛИ ВА ЭКОЛОГИК
КЎРСАТКИЧЛИ КЎМИР БРИКЕТИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ

02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам
Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
technical sciences**

Қобилов Ҳасан Халилович

Юқори энергетик самарадорли ва экологик кўрсаткичли кўмир брикетини
ишлаб чиқариш технологиясини яратиш.....3

Кобилов Ҳасан Халилович

Создание технологии производства угольных брикетов с высокой
энергетической эффективностью и экологическими показателями.....21

Kobilov Khasan Khalilovich

Creation of technology for the production of coal briquettes with high energy
efficiency and environmental performance.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....42

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК - ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМӢ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD. 03/30.12.2019.Т.101.01 РАҚАМЛИ ИЛМӢ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ҚОБИЛОВ ҲАСАН ХАЛИЛОВИЧ

ЮҚОРИ ЭНЕРГЕТИК САМАРАДОРЛИ ВА ЭКОЛОГИК
КЎРСАТКИЧЛИ КЎМИР БРИКЕТИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ

02.00.16 – Кимё технологияси ва озиқ-овқат ишлаб чиқариш жараёнлари ва
аппаратлари

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро - 2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1534 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.bmti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Абдурахмонов Олим Рустамович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий ошпонентлар:

Додаев Қўчқор Одилович
техника фанлари доктори, профессор

Гафуров Карим Ҳакимович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Навоний давлат кончилиқ институти

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.T.101.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «3 феврал» соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўчаси, 15. Тел.: (99865) 223-78-84; факс: (99865) 223-78-84; e-mail: bmti_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 358 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 200117, Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўч., 15. Тел.: (99865) 223-78-84.

Диссертация автореферати 2022 йил «18» Январь куни тарқатилди.
(2022 йил «17» январдаги № 2 рақамли реестр баённомаси).



Н.Р. Баракаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси
т.ф.д., профессор

Р.Р. Ҳайитов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш котиби
т.ф.д., кат.ил.ход.

Ш.М. Ходжиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги
илмий семинар раиси, т.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунё миқёсида ёқилғи ишлаб чиқариш корхоналарида юқори даражада ўсиш кузатилмоқда. Нефт-газни, кўмирни қайта ишлаш саноат корхоналари ёқилғи маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасининг етакчи тармоқларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда ёқилғи сифатида кўмир брикетларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган мураккаб конструкцияли, юқори энергия сарфини талаб қиладиган аппаратлардан фойдаланиб келинмоқда. Шунга кўра ижтимоий ва коммунал соҳалар учун зарур бўлган, юқори ёниш иссиқлигига эга кўмир брикетларини ишлаб чиқаришда ноананавий усулларни жорий этиш, замонавий техника ва технологияларни яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳонда ёқилғи маҳсулотлари ишлаб чиқариш жадал ривожланиши учун таркиби углеводородларга бой бўлган хом ашёларини қайта ишлаш жараёнларини такомиллаштириш, замон талабларига мос техника ва технологияларни яратиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Бу борада ижтимоий ва коммунал соҳаларнинг иситиш тизимлари учун зарур бўлган кўмир хом ашёларининг таркибий қисмларини тадқиқ қилиш, биобоғловчилар билан бойитилиб ёниш иссиқлиги оширилган, кўмирнинг майин фракцияси асосида мустаҳкамлиги юқори бўлган брикетларни ишлаб чиқариш жараёнларининг замонавий, юқори самарали усули ва технологияларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизда охириги йилларда табиий газ танқислиги туфайли аҳолининг қаттиқ кўмирга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида, кўмирнинг майин фракциялари асосида ёниш иссиқлиги юқори бўлган брикетлар ишлаб чиқаришга эътибор қаратилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Инновацион технологияларни қўллаган ҳолда биоорганик боғловчилар асосида механик мустаҳкамлиги юқори бўлган кўмир брикетларини ишлаб чиқариш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси кўмир саноатини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш дастурида “...кўмир тармоқлари корхоналарини янада барқарор ва мувозанатли ривожлантириш, устувор инвестиция лойиҳаларини илдам амалга ошириш, 2017-2021 йиллар мобайнида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа ва аҳоли эҳтиёжлари учун прогноз қилинаётган истиқболдаги талабни ҳисобга олган ҳолда, кўмир ва кўмир маҳсулотларини қазиб олиш ва етказиб беришда атроф муҳит муҳофазасини таъминлаш, кўмир маҳсулотлари сифатини белгилаш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни, шунингдек, қаттиқ ёқилғига бўлган аҳолининг эҳтиёжи ва унинг сифатига бўлган талабни қондириш” соҳанинг муҳим вазифалари этиб белгилаб берилган. Шунга кўра таркиби биобоғловчилар билан бойитилган, ёниш иссиқлиги юқори бўлган, кўмирнинг майин фракциялари асосида брикетлар ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегияси тўғрисида”ги¹ фармони ва 2018 йил 3 октябрдаги ПҚ-3956-сон “Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқарув тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” дастури бўйича бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўмир хом ашёларини қайта ишлаш орқали унинг энергия ҳосил қилиш самарадорлигини оширишга мўлжалланган ҳамда замонавий техника ва технологияларни яратишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари жумладан, Technical University of Daniya, Kyote University (Japan), University of Montreal (Canada), Санкт Петербург Давлат технология институти, Кимё ва кимё технология институти (Красноярск, Россия) ва Бухоро муҳандислик-технология институти томонидан олиб борилмоқда.

Кўмир хом ашёсини қазиб олиш, транспортировка қилиш жараёни давомида ҳосил бўладиган кўмир майин фракцияларини ажратиб олиш учун мўлжалланган қурилмаларни яратиш ва такомиллаштиришга оид олиб борилган тадқиқотлар асосида қатор илмий натижалар олинган. Жумладан, тошкўмир хом ашёсини бойитишда, таркибида мавжуд бўлган минералларни ажратиб олиш учун флотация усуллари қўлланилган (Санкт Петербург Давлат технология институти, Россия), Тошкўмирни магнитли бойитиш усули орқали юқори сифатли кўмир фракцияларини олиш технологияси такомиллаштирилган (Украина), Гравитацион усул ёрдамида кўмир хом ашёсини фракцияларга ажратишнинг такомиллаштирилган қурилмалари ишлаб чиқаришга тадбиқ этилган, кўмирнинг ўта майин фракцияларини қуруқ (пневматик) усулда бойитиш усуллари ишлаб чиқилиб, бунда тошкўмир фракцияларини ажратишга мўлжалланган конструкциялар яратилган (США, Россия).

Кўмирни қайта ишлаш технологияси, фракцияланган кўмир хом ашёси асосида брикет олиш ва унинг энергетик самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш бўйича А.И. Исманжанов, А. В. Рассказова, Л.А. Николаева, Ш.Дж. Курманкулов, А.Т. Елишевич,

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

М.П. Валарович, Н.И. Гамаюнов, О.А. Цепляков, М.И. Бычев, В.Н. Кононов, Г.И. Петрова ва бошқалар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Аммо, таркибида биоорганик боғловчилар мавжуд бўлган кўмир брикетларини қўлланилиш жараёнида атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатмайдиган, механик мустаҳкамлиги юқори бўлган бирикетлар ишлаб чиқариш технологияларини яратишга қаратилган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаларининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган №И-ОТ-2017-5-5 “Юқори энергетик самарадорли ва экологик кўрсаткичли кўмир брикетини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш” (2017-2018 йй) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади кўмирнинг майин фракцияси ва самарали биоорганик боғловчилар ёрдамида юқори мустаҳкамликга эга ва юқори экологик кўрсаткичли кўмир брикетларини ишлаб чиқариш жараёни ва аппаратини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўмирнинг турли ўлчамли бўлақларини майдалаш, ҳамда кўмир майин фракциясининг геометрик ўлчами бўйича сепарациялаш жараёнларини тадқиқ қилиш;

кўмир зарраларининг ўзаро сифатли бирикишини таъминловчи самарали биобоғловчиларни аниқлаш;

кўмир бирикетларининг механик мустаҳкамлик даражасини оширишда биобоғловчилар таъсирини тадқиқ қилиш;

биоорганик боғловчилар асосида юқори мустаҳкамликни таъминловчи кўмир фракциясининг геометрик ўлчамларини аниқлаш;

брикетларнинг механик мустаҳкамлигини тавсифловчи математик моделни ишлаб чиқиш;

брикет хом ашёси тайёрлашда бир жинсли пластик массаси олишни тадқиқ қилиш ва энерготежамкор қурилмасини яратиш;

кўмир брикети мустаҳкамлигининг технологик тизимдаги пластик массасини димиқтириш давомийлигидан боғлиқлигини тадқиқ қилиш;

кўмир брикетининг ёниш иссиқлиги тадқиқ қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида кўмирнинг майин фракциясидан биоорганик боғловчилар асосида кўмир брикети ишлаб чиқариш жараёни ва аппаратлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети кўмирнинг майин фракциясидан кўмир брикети ишлаб чиқариш технологик тизими, брикет механик мустаҳкамлиги ва пресслаш жараёнини математик моделлаштириш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида кўмир ва унинг брикети физик-кимёвий хоссалари, механик мустаҳкамлиги ва энергетик самарадорлигини аниқлаш стандарт усуллари, математик моделлаштириш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

хом ашё конларида ҳамда кўмирни қайта ишлаш жараёни давомида ҳосил бўладиган кўмир майин фракциялари ва биоорганик боғловчилар асосида механик мустаҳкамлиги юқори бўлган кўмир брикетлари олиш технологияси илмий ва амалий асосланган;

кўмир майин фракцияси ва биоорганик боғловчилар асосида олинган кўмир брикетларининг ёниш иссиқлиги ўзгариши қонуниятлари асосланган;

брикет мустаҳкамлигининг димиқтириш давомийлиги, брикет намунаси қалинлигидан боғлиқлик қонуниятлари асосланган;

Ангрен, Бойсун, Шарғун конлари кўмиридан ишлаб чиқарилган брикет кўмир мустаҳкамлигининг пресслаш босими, биобоғловчи ва крахмал эритмаси концентрациясидан боғлиқлик қонуниятлари аниқланган;

кўмир брикети ёниш иссиқлигининг биоорганик қўшимчалар концентрациясидан боғлиқлик қонунияти аниқланган;

кўмир брикети зичлиги ва унинг нисбий ғоваклигига пресслашнинг таъсирини тадқиқ қилиш математик модели ишлаб чиқилган;

биоорганик боғловчилар асосида олинган кўмир брикети олишнинг энерготежамкор технологик тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

механик, ёниш иссиқлиги ва экологик кўрсаткичлари юқори бўлган, биоорганик боғловчилар асосида кўмир брикетлари ишлаб чиқариш технологияси яратилган;

олинган кўмир брикетининг кўмир бўлақлари фракцион таркиби, ҳамда биобоғловчилар миқдори аниқланган;

технологик тизимида қўлланиладиган энергиясамарадор димиқтириш қурилмаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотларнинг замонавий услуб ва ўлчаш воситаларидан фойдаланилган ҳолда амалга оширилганлиги, брикет ишлаб чиқариш технологиясида таъсир этувчи асосий параметрларни назарий асослашда, механик ҳамда математик статистика усуллариининг қўлланилиши, ишлаб чиқариш саноат синовларидан олинган экспериментал натижаларининг назарий натижаларга мослиги, амалга оширилган тадқиқотларнинг мақбул ечимлари асосида яратилган технология ва қурилма тажриба синовларининг ижобий натижалари ва амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юқори ёниш иссиқлигига эга бўлган, биоорганик боғловчилар асосида кўмир брикетлари ишлаб чиқариш жараёнлари ва аппаратлари тадқиқ қилинди ва математик моделлаштиришнинг амалга ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти кўмир брикети олиш технологик тизимида қўлланиладиган энергиясамарадор пластик массани димиқтириш қурилмасини ишлаб чиқишга, маҳаллий ресурсларидан самарали фойдаланиш асосида механик, иссиқлик ва экологик кўрсаткичлари юқори

бўлган кўмир брикетлари ишлаб чиқариш технологияси яратишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Асосий таркиби кўмирнинг майин фракцияларидан ташкил топган, энергетик самарадорлиги ва юқори экологик кўрсаткичли кўмир брикетларини ишлаб чиқариш бўйича олинган натижалар асосида:

таркиби биобоғловчилар билан бойитилган, кўмирнинг майин фракциялари асосида кўмир брикетларини ишлаб чиқариш технологияси Бухоро вилояти, Жондор туманидаги “Ғалаба” фермер хўжалиги ва “Best Coal Bukhara Service” МЧЖда амалиётга жорий этилган (“AZIYA FRUITS GARDEN” маъсулияти чекланган жамияти кўшма корхонасининг 2021 йил 16 декабрдаги №46 маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқарилган кўмир брикетлари таркибидаги намлик миқдорини 8,8 фоизга, олтингугурт миқдорини (ГОСТ 8606-2015)га мувофиқ 0,6 фоизгача туширилишига, брикетнинг ёниш иссиқлигини 5090÷7020Ккал/кг га оширишга эришилган.

нефт қолдиқларидан ҳосил бўлган чиқинди (шлам) дан кўмир брикетларини ишлаб чиқариш технологияси Бухоро туманидаги “Ҳайдар Аҳмад” фермер хўжалигидаги иссиқ хоналарда амалиётга жорий этилган (“AZIYA FRUITS GARDEN” маъсулияти чекланган жамияти кўшма корхонасининг 2021 йил 16 декабрдаги №46 маълумотномаси). Натижада брикетнинг ёниш иссиқлигини 7954,9 Ккал/кг га оширишга, кулдорлик даражасини 8,2 фоизга, таркибидаги олтингугурт миқдорини 0,9 фоизга камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари маъруза кўринишида 7 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш нашр этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигидан 1 та дастурий таъминот учун гувоҳнома олинган (DGU12459), 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола – 4 таси хорижий ва 3 таси Республика илмий журналларда (шундан 1 таси SCOPUS баъзасига кирувчи журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 121 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, илмий янгилиги баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти

очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Биобогловчилар асосида қаттиқ ёқилғи брикетлари ишлаб чиқаришнинг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида Республика ва чет эл олимлари томонидан олиб борилган илмий-тадқиқот ишлари ёритилган.

Физик-кимёвий механика соҳасида атоқли олим, академик П.А. Ребиндер томонидан майдалаш назарияси илгари сурилиб, жисмни майдалаш учун сарфланган куч шу жисмнинг шаклини ўзгартириш ва янги юзалар ҳосил қилиш учун сарфланган ишлар йиғиндисига тенглиги асосланган:

$$A = \sigma \cdot \Delta F + K \Delta V \quad (1)$$

бу ерда: σ - пропорционаллик коэффициентлари.

Маълум геометрик ўлчамга эга бўлган кўмирнинг майин фракциясини олиш учун майдалаш жараёни, кўмир фракцияси ва богловчилар асосида бир хил гомоген система ҳосил қилиш учун аралаштириш жараёни, аниқ ўлчамга эга бўлган брикет олиш учун пресслаш жараёни қўлланилади.

Пресснинг иш унумдорлиги шнекли вал айланиш частотаси ва матрица сони билан белгиланади. Хом ашёнинг прессланиши давомида бутун ҳажм бўйлаб ҳом ашё заррачаларининг ҳаракатланиши юзага келиб, орасидаги бўшлиқлар камайиши содир бўлади ва ғоваклик даражаси камаяди.

Брикет массаси зичлигининг ортиши унинг нисбий сиқилиш коэффициентлари билан ифодаланади:

$$\beta = ((B_1 - B_2) / B_1) \cdot 100 \quad (2)$$

бу ерда B_1 – босим беришдан олдинги брикет пластик массасининг ҳажми m^3 ; B_2 - босим берилгандан кейинги брикет пластик массасининг ҳажми m^3 .

Брикет пластик массасининг нисбий сиқилиш коэффициенти β нинг энг катта қиймати брикет массасини юқори босим остида узоқ муддат сақлаш ва кўп маротаба босим остида ушлаб туриш йўли билан аниқланади.

Мустаҳкамлиги юқори брикет ишлаб чиқариш учун муҳим омил - пресслашда ҳосил қилинган босим ва массанинг сиқилиш даражаси орасидаги мутаносиблик ҳисобланади. Ушбу масалани таҳлил қилишда идеал пресслаш қонунияти Д. С. Новиков томонидан таклиф этилган.

$$\beta' = \beta'_0 - \psi \cdot \ln(P/p_0), \quad (3)$$

бу ерда β - сиқилиш коэффициенти, прессланмаган хом ашё ҳажмининг ҳосил бўлган қаттиқ фаза прессланган масса ҳажмининг нисбатига тенг бўлган миқдор бўйича; β'_0 - худди шундай, бошланғич маҳсулотда босим p_0 да; ψ маълум бир босим оралиғида ҳосил бўлган сиқилиш модули ва

прессланган модданинг структуравий ва механик хусусиятларини характерловчи коэффициент.


Шнекли пресснинг фойдали иш коэффициенти:

$$m = \frac{\pi D^2}{4} \cdot (S \cdot n / 60) \cdot \rho \cdot \varphi, \quad (4)$$

бу ерда D – шнекнинг диаметри, м; n -валнинг айланиш частотаси, айл/мин; ρ - кирувчи брикет пластик массасининг зичлиги $кг/м^3$; φ – барабан девори билан шнекли вал оралиғининг брикет массаси билан тўлиш коэффициенти.

Диссертациянинг “**Кўмир брикетлари ишлаб чиқаришнинг илмий асослари ва усуллари**” деб номланган иккинчи бобида тадқиқот натижалари асосида юқори механик ва экологик кўрсаткичли кўмир брикетларини ишлаб чиқариш технологияси ёритилган. Ишлаб чиқилган кўмир брикети таёрлаш усулининг моҳияти, кўмир фракцияси ва боғловчи компонентларни майдалаш ва аралаштириш жараёнларини ўз ичига олади. Аралаштириш жараёнига брикетнинг қуруқ компонентлари 80:20 нисбатда узатилади ва суюқ боғловчи билан интенсив аралаштирилиб, димиқтиришга жойлаштирилади. Суюқ боғловчи сифатида гуруч крахмалининг сувли эритмаси ишлатилади. Димиқтириш натижасида ушбу пластик массада интенсив равишда адгезия жараёнлари боради, шу билан бирга биокимёвий реакциялар ҳам кечади. Унда суюқ боғловчи кўмир зарраларига сингиши рўй беради ва тайёр маҳсулотнинг юқори механик мустаҳкамлигини таъминлашга асос ярататилади. Димиқтирилгандан сўнг тайёр масса шакл бериш ва қуритиш жараёнига юборилади.

Биоорганик боғловчиларга асосланган кўмир брикетларини ишлаб чиқаришнинг принципал технологик схемаси 1-расмда келтирилган. Бунда хом ашё майдалагич 1 ёрдамида майдаланади. Майдаланган кўмир фракцияси махсус бункер 2 да йиғилади. Бункер 3 да биоогумус майдаланган ҳолда йиғилади.



1-расм. Биоорганик боғловчиларга асосланган кўмир брикетларини ишлаб чиқаришнинг принципал технологик схемаси:
1 - майдалагич; 2 - майин кўмир фракцияси учун бункер;

3 - боғловчи биокомпонент учун бункер; 4 – суюк боғловчи учун контейнер; 5 - миксер; 6 - димиштириш шкафи; 7 – формаловчи машина; 8 – куритиш камераси; 9 – омборхона.

Крахмалнинг сувдаги эритмаси контейнер 4 да сақланади. Аралаштириш жараёни миксер 5 да брикет таркибидаги қўшимчаларнинг бир жинсли пастасимон пластик масса ҳосил бўлгунча давом эттирилади. Аралашманинг бутун ҳажми бўйича агдезия жараёнини тезлатиш мақсадида брикет пластик массаси димиштириш 6 шкафига узатилади.

Кўмирнинг майин фракцияси ҳамда қўшимчалар асосида тайёрланган биомасса формаловчи машина 7 да брикет шаклига келтириб куритиш камераси 8 га узатилади. Кўмир брикетларининг шаклини сақлаш ҳамда намлигини меъёрда бўлишини таъминлаш мақсадида махсус жихозланган омборхона 9 га узатилади. Лаборатория шароитида тайёрланган кўмир брикетлари намуналари 2-расмда келтирилган.



2-расм. Биоорганик қўшимчалар асосида лаборатория шароитида ишлаб чиқарилган кўмир брикетлари

Яратилган технология асосида брикет олишни тадқиқ қилиш асосида кўмир фракциясининг геометрик ўлчамлари аниқланди. Унга кўра 1,25 мм гача бўлган кўмир фракцияси 60 %, 1,25-2,5 мм фракция 30 % ҳамда 2,5-6 мм гача бўлган фракция 10 % ни ташкил этиши аниқланди.

Диссертациянинг **“Пресслаш қурилмасида брикет массасини пресслаш жараёнини моделлаштириш”** деб номланган учинчи бобида брикет ишлаб чиқариш технологиясининг тизимли таҳлили амалга оширилиб, кўмирнинг майин фракциялари асосида брикет олиш жараёнлари ва қурилмалари тақиқ қилинди. Кўмир брикетини ишлаб чиқариш учун қўлланилган пресслаш қурилмасида кечадиган жараёнларнинг таҳлили амалага оширилди.

Кўмир брикети олиш жараёни иерархик структураси хом ашёга бериладиган босимнинг математик модели тадқиқига асосланган ҳолда ишлаб чиқилган. Брикет хом ашёси пресслаш аппаратида шнек ва барабан девори орасида ҳаракатланиши пайтида босим остида бўлади. Қурилмага бериладиган энергия хом ашёни прессланишига сарфланади, яъни прессланиш коэффициенти β қийматининг ўзгариши билан боғлиқ бўлади. Ўз навбатида сарфланадиган энергия материални прессланишига, пировардда олинадиган брикетнинг мустаҳкамлигининг ошишига олиб келади. Пресслашда кўмир зарралари орасидаги ғоваклар камайиши содир бўлади.

Брикет материалнинг ҳажмидаги ғоваклар ҳиссасининг ўзгартириш учун тенглама қуйидагича ифодаланади:

$$\frac{dV_1}{dt} = k \cdot V \cdot X_1 \quad (5)$$

бу ерда кўмир брикет ҳажми массадаги ғовакнинг қолдиқ ҳиссаси X_1 ва материал ҳажмининг сиқилиш коэффиценти “ k ” га боғлиқ. Ушбу боғлиқлик (5) ни ҳисобга олган ҳолда пресшлаш аппаратларидаги материалнинг ҳажми учун брикет массаси ҳажмининг вақт бўйича ўзгариши тенграмаси қуйидагича ифодаланади:

$$\frac{dX}{dt} = \frac{1}{m_0} (G_0 \cdot X_0 - G \cdot X - k \cdot V \cdot X) \quad (6)$$

бу ерда, G_0 – аппаратга кираётган брикет массаси сарфи, м³/с.

G – аппаратдан чиқаётган брикет массаси сарфи, м³/с.

X_0 – бошланғич массадаги ғовак ҳиссаси, %.

X – аппаратдан чиқаётган брикетдаги ғовак ҳиссаси, %.

Пресшлаш аппаратининг ишчи зонасидан чиқаётган брикет ҳажми (V) ни қуйидаги тенглама орқали ёзиш мумкин. Бунда материал ҳажми (V_0) ни материал ҳажмидаги тўлдирилганлик ҳиссаси ($1-X$) га кўпайтириш орқали ифодалаш мумкин:

$$V = V_0 \cdot (1 - X) \quad (7)$$

(6) тенграмани тайёр маҳсулот бўйича бўшлиқ концентрацияси орқали ифодалаб қуйидаги тенграмани оламиз:

$$\frac{dX}{dt} = \frac{1}{m_0} (G_0 \cdot X_0 - G \cdot X - k \cdot V \cdot X) \quad (8)$$

Қуруқ материал ҳажмини қуйидаги тенглама орқали ифодалаймиз:

$$V_c = V_0 \cdot (1 - X_0) \quad (9)$$

Маҳсулотнинг массавий сарфи аппаратнинг бошланғич ва охири нуқталарида бир хил бўлишини инобатга олиб, тенграмани қуйидагича ифодалаймиз

$$G_0 \cdot (1 - X_0) = G \cdot (1 - X) \quad (10)$$

у ҳолда аппаратнинг чиқиш қисмидаги материал ҳажмий сарфининг тенграмаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$G = G_0 \frac{1-X_0}{1-X} \quad (11)$$

ёки жараённинг бошланғич нуқтасидаги материалнинг ҳажмий сарф тенгламаси:

$$G_0 = G \frac{1-X}{1-X_0} \quad (12)$$

Тенгламалар (9-12) ни ҳисобга олган ҳолда (8) тенглама қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\frac{dX}{d\tau} = \frac{1}{m_0} \left(G_0 \left(X_0 - \frac{(1-X_0)}{1-X} X \right) - k \cdot V \cdot X \right) \quad (13)$$


Натижада, кўмир брикети хом ашёсини пресслаш жараёнининг математик моделини қуйидаги тенгламалар системаси орқали ифодалаймиз:

$$\begin{cases} \frac{dX}{d\tau} = \frac{1}{m_0} (G_0 (X_0 - X) - k \cdot V \cdot X) \\ G = G_0 \frac{1-X_0}{1-X} \\ G_m = G_0 \frac{X_0 - X}{1-X} \\ k = f(N, d, l, S, G_m, G_{cm} \dots) \end{cases} \quad (14)$$

MATLAB дастури асосида кўмир брикети хом ашёсини пресслаш жараёни учун ишлаб чиқилган моддий баланс тенгламасини қуйидагича ифодалаймиз:


$$(u(4) \cdot (u(5) - ((1-u(5))/(1-u(1)) \cdot u(1))) - u(3) \cdot u(1)) / u(2) \quad (15)$$

Кўмир брикети хом ашёсини пресслаш жараёнининг компьютер модели тенглама 15 га мувофиқ қуйидаги кўринишни олади:




4-расм. Пресслаш жараёнининг компьютер модели

Брикет зичлиги ва унинг нисбий ғовақлик кўрсаткичлари тадқиқ қилинганда пресслаш коэффиценти $10000 \text{ кг/м}^3 \cdot \text{с}$ га тенг бўлганда олинган натижалар 5 ва 6 расмда келтирилган.




5-расм. Брикет зичлигининг пресслаш давомийлиги бўйича ўзгариши



6-расм. Брикет нисбий ғоваклигининг пресслаш давомийлиги бўйича ўзгариши

Пресслаш аппаратида брикет зичлиги $600 \text{ кг}/\text{м}^3$ дан $725 \text{ кг}/\text{м}^3$ гача ошиши аниқланди (5-расм). Шунингдек пресслаш давомида материал нисбий ғоваклиги 26 % дан 8 % гача камайганлигини кузатиш мумкин (6-расм).




7-расм. Прессланган материал ҳажмининг пресслаш давомийлиги бўйича ўзгариши.

Пресслаш коэффициенти k $10000 \text{ кг}/\text{м}^3 \cdot \text{с}$ га тенг бўлганда, прессдан чиқадиган маҳсулотнинг бошланғич сарфи $5,88 \cdot 10^{-5} \text{ м}^3/\text{с}$ дан $4,88 \cdot 10^{-5} \text{ м}^3/\text{с}$ га қадар камайиб боришини кузатиш мумкин (7-расм).

Математик моделлаштириш асосида олинган натижалар шуни кўрсатадики, кўмир брикетини пресслаш жараёни учун ишлаб чиқилган тизимнинг ишлаш режимини барқарор ҳолатда амалга ошириш орқали, маҳсулотнинг вақт бирлиги ичида ҳажмий сарфини бир ҳил меъёрда сақлаб туришга эришилади. Яъни пресслаш жараёни давомида маҳсулотнинг

ҳажмий сарфи аппаратнинг охириги нуқтасида бошланғич нуқтасига нисбатан камайиб, сўнг қийматда, олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, биоорганик боғловчилар асосида кўмир брикети учун тайёрланган пластик масса димиқтиришга узатилиши ижобий натижалар бериши аниқланди. Бу массани ташкил этувчилари орасида адгезия борши орқали асосланади. Шу нуқтаи назардан, ушбу тадқиқот ишида хом ашёни димиқтириш аппарати ва жараёни таҳлил қилинди.

8-расмда келтирилган конструкцияли димиқтириш қурилмаси ишлаб чиқилди.



8-расм. Кўмир брикети массасини димиқтириш аппаратининг схемаси

1 - димиқтириш шкафи, 2 - қопқоқ, 3 – иссиқлик бериш мосламаси, 4 – иситувчи агент ҳаракатланувчи труба, 5 - қуритиш мосламаси, 7 - вентилятор, 6,8,9 – вентиль, 10 - конденсат йиғгич 11,12 – таянч.


Диссертациянинг “**Брикет сифат кўрсаткичларининг лаборатория тадқиқотлари**” деб номланган тўртинчи бобида кўмир брикети ишлаб чиқариш жараёнининг экспериментал натижалари келтирилган. Кўмир брикетининг мустаҳкамлик оширишга таъсир этувчи параметрлар – брикет тиндириш давомийлиги, брикет қалинлиги, преслаш босими, брикет массасидаги крахмал эритмаси концентрацияси, брикет хом ашёсидаги биобоғловчи модда концентрацияси тадқиқ қилинди. Ушбу параметрларнинг ишлаб чиқилган кўмир брикети мустаҳкамлигига таъсири ўрганилиб, ушбу кўмир брикетлари ТУ 5322-001-13353119-2005 талабларига мувофиқлиги аниқланган.

Ишлаб чиқилган кўмир брикетининг солиштирма оғирлиги қуйидагича ифодаланади:

$$\rho_{\text{сол}} = M/V, \quad (16)$$

бу ерда, M – брикет намунасининг массаси (ўртача олинган қиймат), кг; V – намунанинг ҳажми, м^3 .


Кўмирнинг майин фракцияси ҳамда ■ – 2 %, ■ – 4 %, ■ – 6 %ли крахмал эритмаси асосида брикет пластик массаси тайёрланади. Тайёрланган пластик масса 6 соат давомида димиқтириш қурилмасида сақланди. Димиқтириш давомийлиги турлича бўлган массадан тайёрланган брикет намуналарининг мустаҳкамлигини аниқлаш лаборатория синовлари ўтказилди. Намуналарнинг мустаҳкамлик даражаси натижалари 9-расмда системалаштирилган.




9-расм. Брикет мустаҳкамлигининг димиқтириш давомийлигига боғлиқлиги

Графикдан димиқтириш давомийлигининг ортиши брикет мустаҳкамлик даражасига ижобий таъсири кўринмоқда. Бир соат давомида тиндирилган пластик массасининг мустаҳкамлик даражаси ўртача 4,5 МПа ташкил этади, 4 соат давомида тиндирилган хом пластик масса тайёрланган брикетнинг мустаҳкамлик даражаси 6,8 МПа ни ташкил этади. Аммо тажрибалар шуни кўрсатдики, димиқтиришнинг оптимал давомийлиги 3 соатни ташкил этади. Димиқтириш давомийлигининг 3 соатдан ортиши катта ижобий ўзгариш бермаслиги аён бўлди.

Кўмир брикетининг қалинлиги (δ) бўйича мустаҳкамлик даражаси тажрибалар асосида аниқланди. Пресслаш жараёни ёрдамида 20 мм дан 70 мм гача қалинликда тайёрланган брикет намуналарининг мустаҳкамлиги “GUNT” (Германия) лаборатория қурилмасида аниқланди. Натижалар шуни кўрсатадики, брикет қалинлигининг оширилиши мустаҳкамлик даражасининг пасайишига олиб келади. Масалан қалинлиги 20 мм бўлган намунанинг мустаҳкамлик даражаси 9-10 МПа, қалинлиги 50 мм бўлган намунанинг мустаҳкамлик даражаси 4-4,8 МПа ташкил этади (10, 11-расм).




10-расм. Турли концентрацияли крахмал эритмаси асосида олинган брикет мустаҳкамлигининг унинг қалинлигидан боғлиқлиги




11-расм. Турли концентрацияли боғловчи асосида олинган брикет мустаҳкамлигининг унинг қалинлигидан боғлиқлиги


Брикет мустаҳкамлигининг кўмир қазиб олинган конлар хом ашёсининг физик-кимёвий хоссаларига, брикет аралашмаси тайёрлаш қўшимчаларининг концентрациясига боғлиқлиги тадқиқотлари олиб борилди. Тажрибалар асосида Ангрэн, Бойсун ва Шарғун кўмир конларидан олинган кўмирнинг майин фракцияси, 2 % крахмал эритмаси, ■ – 2 %, ■ – 4 %, ■ – 6 % биогумусдан ташкил топган ҳамда турли босимда тайёрланган брикетларнинг мустаҳкамлик даражасини аниқлаш натижалар 12,13,14 расмларда келтирилган.



12-расм. Турли концентрацияли боғловчилар асосида олинган брикет мустаҳкамлигининг пресслаш босимидан боғлиқлиги (Ангрэн кони кўмири мисолида)



13-расм. Турли концентрацияли боғловчилар асосида олинган брикет мустаҳкамлигининг пресслаш босимидан боғлиқлиги (Бойсун кони кўмири мисолида)




14-расм. Турли концентрацияли биобоғловчилар асосида брикет мустаҳкамлигининг пресслаш босимидан боғлиқлиги (Шарғун кони кўмири мисолида)


Брикет маҳсулотларига қўйиладиган талаблар – мустаҳкамлик даражаси ва ёниш иссиқлигининг стандарт талабларига жавоб бериши асосий кўрсаткичлардан ҳисобланади. Ушбу талабларга жавоб берадиган кўмир брикетини тайёрлашнинг самарали усули тадқиқотлар натижасида асосланган. Брикет хом ашёсининг мустаҳкамлик даражаси ҳамда ёниш иссиқлигининг биобоғловчилар миқдорига боғлиқлиги тадқиқ қилинди. 15, 16, 17 расмларда ■ – 1 %, ■ – 2 %, ■ – 4 %, ■ – 6 %ли крахмал эритмаси асосида тайёрланган кўмир брикети мустаҳкамлигининг пресслаш

босимидан боғлиқлиги, ҳамда ёниш иссиқлигини характерловчи тадқиқот натижалари келтирилган.


“Ўзбеккўмир” АЖ синов лабораторияси хулосасига биноан Ангрэн кўмирининг ўртача ёниш иссиқлиги 4920 ккал/кг, диссертация тадқиқотлари натижалари асосида лабораторияда ишлаб чиқарилган кўмир брикетининг ёниш иссиқлиги эса 5090-7020 ккал/кг, яни кўмир ёниш иссиқлигидан 170-2100 ккалга ортиқ эканлигини кўрсатмоқда (18-расм).




15-расм. Турли концентрацияли крахмал эритмаси асосида олинган брикет мустаҳкамлигининг пресслаш босимидан боғлиқлиги (Ангрэн кони кўмири мисолида):



16-расм. Турли концентрацияли крахмал эритмаси асосида олинган брикет мустаҳкамлигининг пресслаш босимидан боғлиқлиги (Бойсун кони кўмири мисолида):



17-расм. Турли концентрацияли крахмал эритмаси асосида олинган брикет мустаҳкамлигининг пресслаш босимидан боғлиқлиги (Шарғун кони кўмири мисолида):



18-расм. Табiiй тошкўмир ва таклиф этилган технология бўйича олинган кўмир брикетларининг ёниш иссиқлиги

ХУЛОСА

Юқори энергетик самарадорли ва экологик кўрсаткичли кўмир брикетини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича олиб борилган илмий тадқиқот натижалари асосида:

1. Кўмирнинг турли ўлчамли бўлақларини майдалаш, ҳамда кўмир майин фракциясининг геометрик ўлчами бўйича сепарациялаш жараёнларини тадқиқ қилиш натижасида, брикет ташкил этувчилари консистенциясидан келиб чиққан ҳолда, болғали майлагич ҳамда саралаш учун кўп қаватли элаш қурилмалари юқори самара бериши аниқланди;

2. Кўмир зарраларининг ўзаро самарали бирикишини таъминловчи самарали биобогловчилар сифатида биогумус ва гуруч крахмали эритмасидан фойдалашга асосланган брикет тайёрлаш технологик тизими яратилди ва кўмир брикетлари таркибида крахмал эритмаси миқдори 2 %, 4 %, 6 %га оширилганда олинган брикетлар мустаҳкамлиги 1,3-1,5 бараварга, преслаш босими 5 МПа дан 40 МПа гача оширилганда эса брикет ўртача мустаҳкамлиги 2,8 МПа дан 6,4 МПа ошиши аниқланди;

3. Кўмир брикети юқори мустаҳкамлигини таъминловчи кўмир зарралари ўлчамларини тажрибалар асосида тадқиқ қилиш натижасида 1,25 мм гача бўлган кўмир фракцияси 60 %, 1,25-2,5 мм фракция 30 % ҳамда 2,5-6 мм гача бўлган фракция 10 %ни ташкил этиши аниқланди;

4. Брикетларнинг механик мустаҳкамлигини тавсифлаш учун ишлаб чиқилган математик моделда тадқиқотлар натижалари брикет пластик массасини преслаш натижасида унинг зичлиги 600 кг/м³ дан 725 кг/м³ гача ошиши, ўз навбатида брикетнинг нисбий ғовакликлиги 26 %дан 8 %гача камайиши аниқланди;

5. Кўмир брикет хом ашёси тайёрлашда бир жинсли пластик массаси олишни тадқиқ қилиш натижасида брикетни қуришиш камерасидан чиқадиган иккиламчи иссиқлик оқимидан фойдаланишга асосланган, энерготежамкор димиқтириш қурилмасини конструкцияси ишлаб чиқилди. Пластик массани димиқтириш давомийлиги 1 соат 6 соатгача ошганда брикет мустаҳкамлиги ўртача 4,3 МПа дан 6,8 МПа гача ошиши аниқланди. Шу билан бирга димиқтириш давомийлигининг 3 соатдан ортиши брикет мустаҳкамлигининг кескин ўзгаришини бермаслиги аниқланди;

6. Диссертация тадқиқотлари натижалари асосида ишлаб чиқарилган кўмир брикетининг ёниш иссиқлиги 5090-7020 ккал/кг (тошкўмирнинг ёниш даражаси 4980 ккал/кг), яъни олинган брикет ёниш иссиқлиги 170-2100 ккал/кг га ортиқ эканлигини кўрсатмоқда, “Ўзбеккўмир” АЖ тошкўмир ёниш иссиқлигидан 2021 йил 8 февралдаги № 920 ва 921-сонли, ҳамда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг 2021 йил 4 январдаги № 26-62/12-сонли далолатномалари. Тажриба ва ярим саноат қурилмаси ёрдамида биоорганик богловчилар асосида кўмир брикети ишлаб чиқариш технологияси “Ғалаба”, “Ҳайдар Аҳмад” фермер хўжалиги, ҳамда “Best Coal Bukhara Service” МЧЖда тадбиқ этилди, (“AZIYA FRUITS GARDEN” маъсулияти чекланган жамияти қўшма корхонасининг 2021 йил 16 декабрдаги №46 маълумотномаси).

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019. Т.101.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

КОБИЛОВ ХАСАН ХАЛИЛОВИЧ

**СОЗДАНИЕ ТЕХНОЛОГИИ ПРОИЗВОДСТВА УГОЛЬНЫХ
БРИКЕТОВ С ВЫСОКОЙ ЭНЕРГЕТИЧЕСКОЙ ЭФФЕКТИВНОСТЬЮ
И ЭКОЛОГИЧЕСКИМИ ПОКАЗАТЕЛЯМИ**

**02.00.16 - Процессы и аппараты химических технологий и пищевых
производств**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара - 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером В2020.23. PhD/T1534.

Диссертационная работа выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)), размещён на веб-странице института (www.bmti.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziyo.net).

Научный руководитель: Абдурахмонов Олим Рустамович
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: Додаев Қўчқор Одилевич
доктор технических наук, профессор
Гафуров Карим Ҳакимович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: Навоийский государственный горный институт

Защита диссертации состоится « 3 » февраля 2022 года в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета PhD.03/30.12.2019. Т.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте (Адресу: 200117, г. Бухара, ул. К. Муртазаева, дом-15. Тел.: (99865) 223-78-84; факс: (99865) 223-78-84; e-mail: bmti_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института (зарегистрировано под № 358). (Адрес: 200117, г. Бухара, ул. К.Муртазаева, дом-15. Тел.: (99865) 223-78-84).

Автореферат диссертации разослан « 16 » января 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 2 от «17» январь 2022 года).



Н.Р. Баракаев
Председатель научного совета по присуждению
ученой степени, д.т.н., профессор

Р.Р. Хайитов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученой степени, д.т.н., ст.науч.сот.

Ш.М. Ходжиев
Председатель научного семинара при научном
совете по присуждению ученой степени,
к.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Сегодня во всем мире отмечаются высокие темпы роста предприятий по производству топлива. Нефтегазовая и угольная промышленность – одна из ведущих отраслей по производству топливных продуктов. В настоящее время для производства угольных брикетов в качестве топлива используются аппараты сложной конструкции, с высоким энергопотреблением. Соответственно, внедрение нетрадиционных методов, современной техники и технологий производства угольных брикетов с высокой теплотой горения, необходимых для социальной и коммунальной сферы, имеет важное значение.

Для стремительного развития производства топлива в мире ведутся научные работы по совершенствованию переработки углеводородного сырья, созданию современного оборудования и технологий. В связи с этим особое внимание уделяется изучению компонентов угля, разработке современных высокоэффективных методов и технологий производства высокопрочных брикетов на основе мелкой фракции угля, необходимых для систем отопления в социальной и коммунальной сферах.

В последние годы из-за дефицита природного газа в стране для обеспечения потребности населения в каменном угле уделяется внимание производству на основе мелких фракций угля брикетов с высокой теплотой горения. Производство, на основе использования инновационных технологий, угольных брикетов высокой механической прочности с применением биоорганических связующих является одна из важных задач. В программе по дальнейшему развитию и модернизации угольной промышленности Республики Узбекистан на 2017-2021 годы приведены следующие важнейшие задачи для отрасли “...с учетом прогнозируемого будущего спроса на отрасли экономики, социальную сферу и потребности населения на 2017-2021 годы, развитие более стабильных и сбалансированных предприятий угольной промышленности, реализация приоритетных инвестиционных проектов, обеспечение охраны окружающей среды при добыче и поставках угля и угольной продукции, разработка современных технологий и оборудования для определения качества, также определены функции по удовлетворению потребности населения в твердом топливе и спроса на его качество”. Соответственно, внедрение технологий производства брикетов с высокой теплотой горения на основе мелкой фракции угля с применением биосвязывающих материалов имеет важное научно-практическое значение.

Результаты диссертационного исследования в определенной степени способствуют реализации задач, поставленных в Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан»², Указе Президента

¹ Указ Президента Республики Узбекистан 2017 года 7 февраля УП-4947 - О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан.

Республики Узбекистан от 3 октября 2018 г. № УП-3956 «О дополнительных мерах по совершенствованию государственного управления в сфере экологии и охраны окружающей среды», а также в других нормативных актах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данная научно-исследовательская работа соответственно приоритетным направлениям организации промышленного производства науки и технологий Республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Научные исследования, направленные на повышение энергоэффективности угля за счет переработки угольного сырья и создания современной техники и технологий, выполняются ведущими исследовательскими центрами и вузами по всему миру, включая Technical University of Daniya, Kyote University (Japan), University of Montreal (Canada), Санкт-Петербургским государственным технологическим институтом, Институтом химии и химической технологии (Красноярск, Россия) и Бухарским инженерно-технологическим институтом.

